

Ҳоким кубоги



Қумқўрғон тумандаги ташкилот ва корхоналарда фаолият олиб бораётган ходимлар ўртасида спортнинг мини футбол тури бўйича "Ҳоким кубоги" мусобақаси ўтказилди.

Мусобақа Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020-йил 30-октябрдаги ПФ-6099-сонли Фармони ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг оммавий спортни ривожлантириш борасидаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Мусобақа якунига кўра,

1-ўринни Қумқўрғон тумани Ихтисослаштирилган мактаби

2-ўринни Туман ҳокимлиги

3-ўринни Қумқўрғон Педагогика коллежи жамоалари эгаллашди.

Тадбир якунида ғолиб жамоалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.